ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 7 (234) | 2001 йил 14 февраль, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

МАҲАЛЛА ЁШЛАРГА СУЯНАДИ

Бугун мамлакатимизда ёшлар ҳаракати зарурияти долзарб, муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Барча вилоятларда, соҳаларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳларининг йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Шу жумладан, ҳар қандай давр ва жамиятда ёшлар тарбиясига алоҳида аҳамият бериб келинган маҳаллаларда ҳам мамлакат тараққиётини таъминловчи, жамият истиқболини белгиловчи ёшлар масаласи, улар ҳаракатининг вазифалари ҳамда Низоми ва Дастури лойиҳалари кенг муҳокама этилмоқда, янги дастур, режалари тузилмоқда.

Мухбиримиз Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси, Олий Мажлис депутати Шуҳрат Илҳомович ЖАЛИЛОВга мурожаат қилиб, шу хусусда гапириб беришни сўради.

** ОҚСОҚОЛЛАРДАН ТАЖРИБА, ҲИКМАТ,*
** ҲУР АВЛОДДАН ҒАЙРАТ, ШИЖОАТ*
** БАЛЛИ, БАРАКА ТОПИНГ, АЗАМАТЛАР!*

- Аввало шуни алоҳида таъкидлашим жоизки, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси гуруҳнинг аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифалар бошқа жамоат ташкилотлари қатори, бевосита маҳаллаларга ҳам таалуқлидир. Бинобарин, ишлаб чиқариш муассасаси, корхоналарида банд бўлмаган ҳар бир ёшни эътибор доирасига олиш, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш, давлатимиз ёшларга яратаётган имкониятлардан баҳраманд қилиш биринчи навбатда маҳалла фуқаролар йиғинларининг доимий, кечиктириб бўлмас олий вазифаси, ўта маъсулиятли бурчидир.

Биринчи устоз ҳам маҳалла ва маҳалладошлар. Демоқчиманки, биринчи кўрган устозинг маҳалланинг отасидан олганинг - бир кун бориб ўзинг устоз бўлганингда ҳам асқотади.

Ким билан суҳбатлашсангиз: заргарлар, зиёлилар, косиблар маҳалласида ўсганман, ҳунарни шу ерда ўрганганман, фан дунёсига ёки тижорат-тадбиркорлик соҳасига маҳалладошларим саъбоқлари орқали кириб келганман, деб айтади.

(Давоми 2-бетда.)

Хива азалдан ўз ҳунармандлари билан машҳур. Бу қадимий шаҳарнинг довруғли қиёфаси ҳам аслида шу ҳунармандчилик маҳсулидир. Ҳунармандчилик сирларини ўрганаётган, ҳатто бу борада ўз маҳсулларини кўз-кўз қилаётган Хива туманидаги 37-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Нодирбек Бобожоновнинг келажакдаги орзулари бу мерос касбни давом эттириш.

Д.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ШУ СОҲНИНГ

2-саҳифасида:

- **Бўлажак ҳожилар учун ибратли суҳбат.**
- **Ватан маҳалладан бошланади. Футбол ҳам!**
- **Диққат таклиф! Оқсоқоллнинг муовини ёшлардан бўлса...**

3-саҳифасида:

- **Бир хусусий идоранинг бир нечта хайрли ишлари ҳақида.**
- **Ҳуқуқини билган одам, хор бўлмас.**
- **Бу кашфиёт амалга ошса, амфибия одамлар кўпайса керак.**

4-саҳифасида:

- **Навқирон йигит нега ўлимга маҳкум? Негаки, у шундай жазога лойиқ!**
- **Навоий яшаган, Навоий яшайди...**
- **Гриппдан сақланмаганнинг ҳолига вой!**

Маъруфжон ҒОЗИЕВ

МАҲАЛЛАДА ҲАМ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИМИЗ БЎЛСА...

Президентимизнинг ёшларга муттасил равишда кўрсатиб келаётган ғамхўрликларидан беҳад миннатдормиз.

Шу йил 24 январдаги ёшлар масаласига бағишланган йиғилиш тарих саҳифаларидан муносиб ўрин олади. Президентимиз ташаббуслари билан майдонга келаётган янги ижтимоий Ҳаракат ёшларнинг ҳақиқий таянчи бўлиб қолишига аминмиз.

Шу ўринда янги Ҳаракат дастури ва Низоми бўйича ўз фикрларимни билдирмоқчиман. Дастур фақат зиёли ёки талабалар учун эмас. Шунинг учун уни оммабоп, содда, қисқа ҳолга келтириш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга Низомга «бошланғич ташкилотлар маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам тузилади», деган жумлани қўшишни таклиф қиламан.

Шаҳрихон тумани.

Аминжон СОЛИЕВ

«ҲАРАКАТ» БАРЧА ЁШЛАРНИ ҚАМРАБ ОЛСИН

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракати ташаббуси гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқида олдинга сурилган ғоя нафақат ёшларни, балки бутун мамлакатимиз аҳолисини, шу жумладан барча маҳаллалар фаолларининг ҳам айни муддаосидир. Ушбу нутқни қайта-қайта ўқиб, шунга амин бўлмоқдамизки, унинг мазмуни бевосита халқимиз, ёшларнинг ички табиатидан, психологиясидан келиб чиқмоқда. Бизнинг назаримизда Президентимизнинг бу фикрлари шунчаки янги фикрлар эмас, балки ижтимоий фан, ижтимоий психология соҳасида юз берган ўзгаришларнинг том маънодаги илмий кашфиётидир. Биз ишонамизки, албатта бу ғоялар ҳаётда ўз тасдиғини, амалий ифодасини топади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракатининг Дастури ва Низоми лойиҳасига ўзимнингш айрим истак ва таклифларимни баён қилмоқчи эдим. Биринчидан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Дастури лойиҳасининг 1-бўлими 1-моддасини у «Мамлакатда фаолият кўрсатадиган барча сиёсий партиялар, ижтимоий гуруҳлар билан Ҳаракатнинг дастурий вазифаларини бажариш мақсадида ўзаро тенглик асосида ҳамкорлик қилади», дейилган. Шу моддага «жамоат бирлашмалари билан ҳам» деган сўзни қўшиш ўринли бўлса керак, деб ўйлайман.

Иккинчидан, кўп ёшларимиз «Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракатининг ташкилотлари маҳаллаларда ҳам тузилиши керак, деган таклифларни билдирмоқдаларки, биз маҳалла фаоллари бундан ғоят мамнунмиз. Яна шуни қўшимча қилмоқчимизки, агар маҳаллада яшовчи ёшларимиз ўзининг ўқиётган ёки ишлаётган жамоасидаги ёшлар ҳаракатига ҳам аъзо бўлиб кириш ҳуқуқига эга бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Чунки унинг ўз маҳалласидаги ёшлар ҳаракатидан ҳам четда қолиши керак эмас.

Учинчидан, бир маҳаллада битта эмас, балки керак бўлса, унинг айрим катта кўчаларида ёки алоҳида даҳа, мавзеларда ҳам алоҳида ёшлар ташкилоти тузилиши мақсадга мувофиқдир. Шундай бўлган тақдирдагина «Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракати ёшларнинг асосий кўпчилик қисмини ўз бағрига бирлаштира олади, деб ўйлайман.

Андижон шаҳри.

Миллий валюта, байроқ, герб, мадҳия, Конституция каби давлат ва халқнинг рамзи, мустақилликнинг муқаддас белгисидир!

Ислом КАРИМОВ.

БУЮК ТАРИХИЙ ИМКОН

Инсон туғилганидан то вояга етиб, сўнгги манзилга кузатилгунга қадар ҳаётнинг маъно-мазмунини англашга ҳаракат қилади. Шак-шубҳасиз унинг тугал умри кечган жамият, макон, жуғрофий манзилда қонунлар устивор бўлмаса, ҳар қандай киши ҳам ўзини эркин, тугал фуқаро ҳис этолмайди.

Янги асримизнинг яна бир муҳим воқеаси (биз учун - мустақил Ўзбекистон учун) бу, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўрганишни ташкил этиш тўғрисида» ги Фармойиши бўлди.

Зотан ижтимоий онги баланд, соғлом, ўз миллатининг қадрига етадиган шахслар-фуқароларгина ҳар қандай давлатнинг суянчиғи бўла оладилар. Аммо бунга эришиш учун (бунинг устига узоқ муддат қуллик-қарамликнинг ҳадсиз жафоларини тотган ўзбек халқи учун) фақат озодликнинг ўзи ёки Конституциянинг мавжудлиги эмас балки, катта-кичик ҳар биримиз, буюк Қомусимизнинг ҳар бир сўзи, мақсади, тартиб қоидаларигача ўрганмоғимиз лозим.

Миллат ўз-ўзидан шаклланмайди, озодлигимизнинг кейинги тақдири, устиворлиги, давомийлиги ёшлар қўлида. Аксарият ёшлар эса маҳаллаларда улғаймоқда. Уларга ота-оналар, ўқитувчилар маҳалла оқсоқоллари етакчилик қилмоқдалар. Баринчи навбатда Конституциямиз моҳиятини ёшлар билан биргаликда ота-оналар, ўқитувчилар, маҳалла-кўй — ҳаммамиз биргаликда англашимиз шарт. Бунинг учун ҳозирданоқ барча шароитлар - энг муҳими яна бир тарихий ҳужжат, ҳуқуқий асосга эгамиз.

«Сир эмас, ҳар қандай жамият келажакни кўзлаб яшайди ва унинг пойдеворини имкон қадар мустаҳкамроқ қуришга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз, жамиятимиз эришган буюк ютуқ - Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўлди?» - Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида сўзлаган ушбу сўзлари тузилажак дастурлар, ёзилажак ўқув қўлланмалари учун мустаҳкам таянч, дастур бўлиб хизмат қилади.

С.МАТЧАНОВА,
Учқудуқ шаҳар судининг раиси,
«Дўстлик» ордени соҳиби.

✦ МУБОРАК САФАР ОЛДИДАН

ОРЗУЛАР РЎЁБИ

Бобом мулла Юнус ҳам Муқаддас Каъбани зиёрат қилиш ишқида кунларни тунга, тунни кунларга улаб бир умр орзу ила унга етолмай дунёдан 85 ёшда кўз юмдилар.

БЎЛАЖАК ҲОЖИЛАРГА ҲОЖИЛАР ИБРАТИ

... 1958 йилнинг баҳори эди. Ҳамон ёдимда, боғимиздаги ўрик, гилос дарахтлари қийғос гуллаган. Ширин орзуларга тўла бўлган беғубор ёшлик чоғларимда бобом шундай дедилар: «Дунёда шундай бир қуш бор, у қанча баланд учса, шунча яйрайди. Чарх уриб яна юксакликка парвоз қилгиси келаверади. Биласизларми бу қуш Лочиндир. Одам авлоди ҳам шундай, Парвардигорнинг берган улуғ неъмати бўлмиш умридан унумли фойдаланиб, ҳаётда ўзидан сўнг яхши бир из қолдириб яшасам дейди.

Биласизларми, давом этардилар бобом,- Маккаи мукаррама - бутун дунё мусулмонлари учун бир умр орзу бўлган муқаддас Каъба жойлашган шаҳар. Аллоҳнинг беҳисоб раҳмати ёғилган табаррук заминдир. Бу шаҳар Иброҳим алайҳиссалом даврида қурила бошлаган бўлиб, у Қуръони каримда «Уммул Қуро», «Бакка», «Ал-Баладул-Амин» деб номланиб ҳам келинган. Парвардигор муқаддас Каъбага ушбу жойни танлади.

(Давоми 2-бетда.)



MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82,

Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

МАҲАЛЛА – ЁШЛАРГА СУЯНАДИ

(Боши 1-бетда)

Маҳаллага синчиқлаб эътибор қилган инсон - тилсимот оламига кириб қолганидек ҳис этади ўзини. Ёвуз кучлардан - нафратланиш, инсонпарварларга нисбатан меҳр дарсини ҳам маҳалладан олади, киши. Буюк аллома Абу Наср Фаробий бобомиз таъкидлайдиларки, «Инсон моҳияти ақлда, ақлнинг моҳияти эса хатти-ҳаракатида, ишида билинади». Ақлни ўстиришда ҳам маҳалланинг ўрни беқиёсдир. Шу билан бирга ақл кучи етмаган жойда инсонга ёрдамга келадиган руҳий қувватни ўстирадиган қадриятлар, ибратлар, дин асосларини ўргатадиган масжидлар ҳам маҳаллада жойлашгандир. Шунинг учун ёшларда ақл ва руҳий қудратнинг мужассам бўлишида, комил инсонни тарбиялашда маҳалла самарали иш олиб боришга қодирдир.

Маънавий ҳамда маърифий соҳадаги ишлар билан бирга ҳозирги бозор иқтисодига асосланган ижтимоий, иқтисодий йўналишларда ҳам маҳалланинг ташкилий, амалий тадбиркорлик ишларни қилиши, ёшларни меҳнатга жалб қилиши борасида нима қилиш мумкин, деб ўйлайсиз?

- Ҳозирги шароитда Ватанимиз равнақига хизмат қиладиган, унинг буюк истиқлоли ривожини таъминлайдиган ислоҳотларни амалга оширишда ҳар жабҳада ёшларнинг хизматига катта умид боғланган.

Бинобарин, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ташкил этилиб, «Маҳалла» жамғармаси билан биргаликда маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг янги талаблар даражасида тадбиркорлик, ишбилармонлик, ўзини ўзи бошқариш органларига, маҳалларга айрим давлат ваколатларини берилиши муносабати билан амалга ошираётган ижтимоий ҳимоя жараёнини ўрганиш, таҳлил этиш, тажрибаларини оммалаштириш, кўпчилик мулкига айлантириш юзасидан жамоатчилик фаолияти кенгашига, жамғарманинг жойлардаги бўлинмаларида, маҳаллаларда ёшлар билан ишлайдиган раис муовинларини жорий этиш бошлаб юборилган.

Айниқса, маҳаллаларда «Маҳалла посбонлари», «Яраштирув комиссиялари» тузилгани, мустақиллигимизни, ўтган қисқа даврда асрларга татигулик ютуқларимизни кўролмайдиган «Хизбут-таҳрир», ваҳҳобийлик оқимларининг мудҳиш қўпорувчилик ҳаракатлари, халқаро террорчиларнинг ҳаром луқмасига учган, ватанфуруш, амалпараст, ёвуз душманларнинг қонли хуружларига муносабати билан маҳаллаларда яшовчи ватанпарвар, ўз юртига, мустақилликка садоқатли, иймон-эътиқодли юрагида ўти бор, диёнатли мард чинакам халқ фарзандларининг ихтиёрий равишда маҳалла оқсоқоллари, фаоллари атрофига маҳкам уюшиб адолат йўлида олиб бораётган курашлари ва эришаётган ижобий самаралари ортиб, мустаҳкамланиб бормоқда.

«Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракатининг дастур ва Низоми лойиҳаси жойларда муҳокама қиллинар экан, бу борада ҳали қилинадиган ташкилий ҳамда амалий ишлар мавжудлигини, ҳал этилиши лозим бўлган долзарб масалалар турганлигини кўрмоқдамиз.

Ушбу таклиф ва мулоҳазалар, биринчидан ёшларимизнинг жамоат ташкилотларига бўлган муносабатларини, уларнинг кучига, қудратига, имкониятларига нисбатан ишончларининг ортиб бораётганлигини кўрсатса, иккинчидан, ўзларининг муқаддас она-Ватанларининг озод ва обод бўлиши, халқ фаровонлиги учун бегараз, астойдил курашга отланганликларини кўрсатди.

Маҳалла билан бевосита шуғулланувчи,, уларнинг ривожланиши, янада самаралироқ фаолият кўрсатиши учун бурчдор бўлган Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси янги ёшлар ҳаракатининг барча ташаббус, бунёдкорлик ишларини қўллаб-қувватлайди, уларни рўёбга чиқариш учун, самара бериши учун барча чора-тадбирларни кўради. Бунинг учун республикадаги вазирликлар, жамғармалар, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, демократик институтлар, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда амалий тадбирларни кўради.

Шу ўринда, тажрибадан келиб чиқиб бир муҳим ҳолатга эътиборни қаратишни истардим. Биз ҳам, табиий ёш бўлганмиз, маҳаллада, мактабда, олий ўқув юртида ва ниҳоят вилоят, мамлакат миқёсида ёшлар билан ишлаш ташкилотларида фаолият кўрсатиш насиб этган. Ўша давр тажрибасидан келиб чиққан ҳолда айтмоқчиманки, кўп нарса ёшларнинг ўзларига ҳам, уларнинг курашчанлигига, ташаббускорлигига, бунёдкорлигига, мухтасар қилиб айтсам, хатти-ҳаракатларига, интилишларига, ғайрат-шижоатларига ҳам боғлиқ.

Тарихдан биламизки, буюк аллома ота-боболаримиз болалик чоғлариданоқ у ёки бу касбга кўнгил қўйганлар, кимгадир эргашиб яхши ният қилганлар. Ўзининг серқирра ижоди билан жаҳон адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшган буюк ватандошимиз Огаҳий ёзади:

Қадам айлабон илм йўлида бош,
Ҳунар касбида айлар эдим талош.
Не тунлар менга хобу роҳат эрди,
Не кунлар замони фароғат эрди.

Ишончимиз комилки, ташаббускорликда ҳам, бунёдкорликда ҳам ёшларимиз янги замонга, давр талабига хос намуна кўрсатадилар.

Кучли, ҳуқуқий демократик давлатдан адолатли фуқаролик жамиятига ўтишдек ижтимоий-сиёсий мақсадни амалга оширишда асосий таянч ҳисобланган маҳалланинг нуфузини кўтаришда ёшлар жамоатчиларга муносиб камарбаста бўлиб қоладилар. Бу ишончнинг амалдаги омили сифатида, яқинда бошланадиган маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчилари сайловида ҳар бир маҳаллада ёшлардан сайланган раис муовини бўлишини, уларни молиявий жиҳатдан таъминлашни кўзда тутмоқдамиз.

ТАҲЛИЛ БУРЧАГИ

МАҲАЛЛАГА ГУЗАР КЕРАК...МИ?

Ёхуд қурилишдаги бепарволик ҳақида

Юртимизда маҳаллаларни обод қилиш, хусусан, ҳамма қулайликларга эга бўлган замонавий гузарлар барпо этиш яхши анъанага айланиб қолди. Қашқадарё вилоятидаги 361 та маҳалладан 65 таси ўз гузарига эга. Бу яхшими, ёмонми? Вилоятда ўз фаолиятини яқиндан бошлаган вилоят ҳокими шаҳар ва туманлардаги бир қатор маҳаллаларни айланиб, кўпни кўрган қариялар, аҳоли вакиллари, оқсоқоллар билан дилдан суҳбатлашди ҳамда маҳаллаларнинг ҳақиқий аҳволи билан танишди. Мамлакатимизда катта ҳажмда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётган бир шароитда маҳалла идораларининг талабга мутлақо жавоб бермайдиган хоналарда иш олиб бориши, улар баъзида кичик биноларда, мактабларнинг синф хоналарида, мачитларда, ҳатто ошхоналарда жойлашганлигига сира тоқат қилиб бўлмасди.

Шу сабабдан аҳволни яхшилаш бўйича шаҳар ва туман ҳокимларига зудлик билан топшириқлар берилди. Бу ишни аввало бир қадар имкониятга эга бўлган Қарши шаҳридан бошлаш лозимлиги қайд этилди.

Шаҳар ҳокими ва унинг ўринбосарлари ҳам фурсатни қўлдан бермай, «темирни иссиғида босайлик» деб ишга киришгандек бўлдилар. Тадбир дастлаб Ф.Хўжаев номли маҳалладан бошланади.

Карнай-сурнайлар чалиниб, шаҳаргина эмас, вилоятнинг тўрт томонидан вакиллар чақирилиб, бошқа маҳаллаларга кўз-кўз қилиниб, гузар қурилишига биринчи ғишт қўйилди.

- Кўз олдингизга келтиринг, - деди шаҳар ҳокими Й.Қораев,-ҳамманинг назарини бўлажак масканга қаратиб,- мана бу ерда маҳалла фуқаролар йиғини идораси, маънавият ва маърифат хонаси, иккинчи томонда тўй ҳамда бошқа маросимлар ўтказиладиган зал, тикув цехи, сартарошхона, пойабзал устахонаси, озиқ-овқатлар дўкони, қариялар чойхонаси, кичик корхоналар қад кўтаради. Бу ишни чўзмаймиз, гузар янги асрнинг дастлабки ойларидаёқ узоғи билан Наврўз байрами кунлари ишга тушади.

Хайрли ишнинг бошлангани яхши бўлади-ю, аммо суръат ҳоким айтганича бўлмади. Ҳалигача гузарнинг таг замини битганича йўқ. Иш шу зайлда кетаверса қурилиш келгуси йил юзини ҳам кўрадиганга ўхшайди.

Қувонадигани шуки, бошқа маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳам ичига қумурсқа оралаб қолди. Улар ҳам имконият қидира бошладилар, ишбилармонлар, тадбиркорларни йиғиб обдон маслаҳат қилдилар, имкониятларни ҳисоб-китоб қилдилар.

«Чармгар» маҳалла оқсоқоли Эркинжон Файзиев ҳам эртасигаёқ уддабурон тадбиркорларни тўплади. Дилидаги маслаҳатни ўртага ташлади. Топганини элидан, маҳалла аҳолисидан аямайдиган йигитлар ўртага чиқиб «Ишни ҳеч иккиланмай бошлайверинг, раис. Биз ҳамиша сиз билан камарбастамиз. Қанча харажат бўлса кўтарамиз» дейишди. Оқсоқолнинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Дарҳол хужжатлар тайёрлашга киришилди.Қадимий боғ-гулзорлар шарроларини эслатувчи лойиҳалар тайёрланди. Тўртбеш киши бўлиб уларни кўтариб оқсоқол бошчилигида шаҳар ҳокими ҳузурига киришди. Ҳоким тез кунларда жой кўрсатишга ваъда берди. Аммо қачон, вақт ўтяпти. Ахир бу усулда ташаббус сўниб қолмайдими?

Хонтепа маҳалласида бўлиб ўтган дув-дув гап ҳеч бир аторнинг қутисига сиғмайди.

Бу маҳаллада ҳам гузар қуриш ҳақида шаҳар ҳокимининг қарори чиқди. Қарши Термопласт заводигв қурилиш ишларини 3 ой ичида тугаллаш тўғрисида кўрсатма берилди.

- Бажарамиз, гап-сўз бўлиши мумкин эмас,-деди завод директори, шу маҳалла фуқароси Ойбек Эгамов.

Ҳозирги кунда эса қурилишга ажратилган 2300 метр квадрат жойда жимжитлик.

Энди буёғини эшитинг: Ишбилармон директор маҳалла аҳолиси,кайвониларининг розилигини олмай, энг муҳими уларни назар-писанд қилмай гузар қурилишини хотини Лилия Эгамова номига расмийлаштириб, энди гузар қурмоқчи экан. Тавба, шунча муддат ичида гузар қурилишига бирор ғишт қўя олмаган директорнинг ҳеч қаерда ишламайдиган, пенсионер хотин қандай қилиб 25 миллион сўмлик қурилишни уддаларкин?

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ ПАНОРАМАСИ

● **АҚШ билдираётган қаршиликка қарамай Россия Эронга ҳарбий қурол-яроғлар сотиш ниятида. «Рособоронэкспорт» директорининг ўринбосари В.Кавардин Эрон томони НИ-17, С-300, СУ-25 типидаги учқичларни сотиб олишга қизиқаётганини айтган. Бу борадаги битим шу йилнинг ўрталарида имзоланиши кутилмоқда. Франция ва Олмония давлатлари ҳам Эрон билан шундай битимлар тузгани тахмин қилинмоқда.**

***

● Америкалик юқори мартабали бир гуруҳ ҳарбий мутахассислар Гуржистонга ташриф буюрди. Беш кунлик амалий визит давомида улар Гуржистонда ўтказилаётган ҳарбий ислоҳотларнинг бориши билан танишадилар. Шунингдек, уларнинг мамлакат президенти Э.Шеварнадзе билан учрашиши ҳам кўзда тутилган.

Айни вақтда Гуржистонга Россия ҳарбий делегацияси ҳам келган. Улар республикадаги ҳамкасблари билан музокаралар олиб боради.

***

● **Омскда наркокурьерлик билан шуғулланган икки нафар Қозоғистон фуқароси устидан олиб борилган маҳкама иши ниҳоясига етган. Федерал хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан ўтган йили 4кг гиёҳванд моддани Россияга олиб ўтаётганда ушланган бу фуқароларнинг ҳар иккаласи ҳам 10,5 йилга озодликдан маҳрум этилган. Ўтган йили Омск вилоятида жами 590 наркокурьер ушланиб, шуларнинг олти нафари саккиз йилдан то ўн беш йилгача жазога тортилган. Ушланганларнинг кўпчилигини Марказий Осиё давлатларининг фуқаролари ташкил этади.**

***

● Уммонда бир тонна наша олиб ўтаётган 5 киши ҳам қўлга олинган. Бу ернинг қонунига кўра гиёҳвандлик билан шуғулланувчилар ўлим жазосига хукм қилинадилар. Мамлакатда бу қонун 1999 йилда қабул қилинган.

***

● **Қозоғистоннинг Каспий денгизига туташ жойида мамлакатда энг йирик, дунёда бешинчи ўринда турувчи нефть кони аниқланган. Бу конда тахминларга кўра 7 млрд. тонна нефть мавжуд. Бу конни ишга тушириш учун 20 млрд доллар сарфланиши лозим. Кон тўла ўзлаштирилгач кунига 2,5 млн баррел маҳсулот олиш кўзда тутилмоқда. Ушбу конни ўзлаштириш учун эълон қилинган конкурсда Италиянинг йирик компанияси АШИП ғолиб деб топилди.**

***

● Исроилнинг яқинда сайланган бош вазири А.Шарон коалицион ҳукумат тузиш ниятида эканлигини айтди. Собиқ бош вазир Эҳуд Баракка бу ҳукуматда мудофаа вазири лавозими таклиф қилинган, аммо у бу таклифга ҳали ўз муносабатини билдирмаган.

***

● **Покистонда диний экстремистларга қарши жиҳод бошланган. Мамлакат ички ишлар вазири М.Ҳайдар қуролга эга бўлган шахс ва гуруҳлар қуролларини топширмаса, қаршилик кўрсатса ўша жойда отиб ташланиши мумкинлигини айтган.**

КОРАҚАЛПОҒИСТОН

Мустақилликдан буён ўтган йилларда Оролбўйи ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқлардан бир неча юзлаб мусулмонлар Макка ва Мадина шаҳарларига бориб, Ҳожи бўлиб қайтишди.



ОРОЛБЎЙИДАН МУҚАДДАС ЗИЁРАТГА

Бу йил ҳам Қорақалпоғистонлик мўмин мусулмонлардан бир қанчаси Ҳаж сафарига бориш истагини билдириб ариза беришди.

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2000 йил 11 декабрдаги қарорига кўра Ҳажга борувчилар ҳужжатлари билан танишувчи комиссия тузилган эди-дейди Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши қошидаги Диний ишлар бўйича вакили Ҳусниддин Ҳамидов. Мазкур комиссияга кенг жамоатчилик вакиллари жалб этилган бўлиб, Ҳажга борувчилар ҳужжатлари билан ҳар томонлама танишди. Ҳажга борувчи муносиб вакилларни танлашда маҳалла, макон ва овул фуқаролар йиғинлари кенгашлар фаол қатнашди. Номзодлар аниқланиб, Вазирлар Маҳкамаси Қарорига биноан молиявий имтиёзлардан фойдаланишди. Ҳаж сафарига отланганлар 21 февралда Саудия Арабистонига етиб боради.

... Биз юртдошларимизнинг Ҳаж амалларини ёруғ юз билан адо этиб, пок қалб билан Она юртларига соғу саломат қайтиб келишларини Оллоҳдан сўраб қоламиз.

«MAHALLA» мухбири.

Ярашганини танланг...

ОРЗУЛАР РЎЁБИ

БЎЛАЖАК ҲОЖИЛАРГА ҲОЖИЛАР ИБРАТИ

(Аввали 1-бетда)

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам ўша ерда дунёга келдилар. Уларга шу заминда пайғамбарлик келиб, ваҳий орқали Аллоҳнинг Қуръони Карими ҳам нозил қилинган. Макка шаҳридаги Байтуллоҳни Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари Исмоил алайҳиссалом билан бирга Парвардигорнинг амри ила бунёд этганлар. Ҳали шундай ҳур замонлар келадики, кўплаб одамлар муборак Ҳаж ибодатига борадиган бўладилар. Бизлар умр бўйи орзу қилиб бора олмадик, илоё кўплар қатори сизларга ҳам насиб этсин-да, ўша улуғ кунлар, - дея кўзларига ёш олиб узундан-узоқ дуо қилдилар бобом.

Мана шунга ҳам, қирқ йилдан ўтибди. Бобом ҳаёт вақтларида амаким, кейинчалик қайнотам бўлмиш ҳожи Абдутуроб домла (Аллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин) Муборак ҳаж зиёратига бориб келдилар. Ўша дақиқалардаги бобомнинг суюнишларини айтмайсизми.

Яратганга минг шукрким, улуғ ва муқаддас Каъбага бориш орзуимга Истиқлол шарофати ила бошқалар қатори мен ҳам эришдим.

Маълумки, ҳожиларнинг биринчи қадамлари тегадиган жой Саудия Арабистонидаги Жидда шаҳри денгиз бўйида жойлашган. Жидда ва Макка шаҳрининг оралиқ масофаси тахминан 80 чақирим. Улар кенг ва равон автомобил шоҳ йўллари орқали туташади. Макка шаҳрига тунда кириб келдик. Бу шаҳарни тоннеллар (ер ости йўллари) шаҳри деб аташ мумкин. Аксар тоннеллар унча баланд бўлмаган тоғларнинг бағрини кесиб ўтган. Тонгда муқаддас даргоҳга Умра ибодатини ният қилиб борар эканмиз, узоқдан Каъбанинг салобатли миноралари кўрина бошлади. «Лоббайкаллоҳумма лоббайк...»ни баралла айта бошладик. Аввал икки ракат нафл намоз ўқидик, сўнг «Ҳажари асвад» тоши бўйлаб тортилган чизиқдан тавофни бошладик.

Минг шукрларким, ўша куни аксариятимиз «Ҳажари асвад»дан бўса олиш шарафига муяссар бўлдик. Тавофдан сўнг бошқалар қатори муборак «Зам-зам» суви жойлашган пастки хонага тушиб тўйиб-тўйиб яхши ниятлар ила сувдан ичдик. Сўнгра Сафо тепалигидан бошлаб Марва тепалиги томон саъйини (юришни) бошладик. Икки кўк чироқ орасида жадалроқ югурдик, бу югуриш асносида билган дуоларимизни ўқидик. Саъй Сафо ва Марвага жами бориш-келиш билан етти маротаба бўлиб, Марва тепалигила тугайди. Шу билан Умра амали тугайди.

Бизлар Зулҳижжа ойининг саккизинчи куни Мино водийсига бордик. Бу ер ажиб бир қадимий афсонавий шаҳарчани эслатади. Ҳамма ёқда минглаб шиша матосидан (материалдан) тайёрланган бир хил кўринишдаги чодирлар қад кўтариб турарди. Тонг ёришиб, қуёш ўз заррин нурларини таратар экан, бу ерда ҳар хил соябон тутган ҳожилар ўзларига ажратилган чодирлрни тўлата бошлайдилар. Бу ердан тартиб билан уюшган ҳолда махсус автобусларда Арофот тоғи Макка шаҳрининг жанубий-шарқий қисмида, шаҳар марказидан ташқарида жойлашган. Ҳожилар бу ерда ҳажнинг асосий арконларидан бирини ado этадилар. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир муборак ҳадисларида айтадиларки: «Ҳаж бу вақуфи Арафотдан иборатдир». Унинг вақти - ҳар бир ҳожи қуёш заволдан бошлаб то кун ботгунга қадар Арафот тоғида бўлиши керак.

Ҳожиларимиз Арафот тоғидаги «Жабалур Раҳмат» (Раҳмат баландлиги) атрофида ҳозирланган ранг-баранг чодирларга жойлашдилар ва дуоюистиғфорлар айтишди.

Кун ботгандан сўнг, автобусларга ўтириб Муздалифа томон йўлга чиқдик. Барчамиз тонг отгунга қадар шу ерда қолиб, керакли миқдордаги тошларни териб, бироз дам олгач, тонг отгач, яна Мино водийси томон йўл олдик. Бу водийда уч кун давомида белгиланган вақтларда шайтонга тош отиш учун турилди. Сўнг яна Маккаи мукаррамага келиб, муқаддас ибодат билан боғлиқ амаллар адо этилди.

Ҳаж мавсуми арафасида Саудия Арабистони қироли Фахд ибн Абдулазиз ва Ҳаж ишлари вазоратининг хабар боришига кўра бизлар борган йилдаги муборак ҳажни «Ҳожи акбар» йили деб эълон қилинганлиги, барча ҳожиларимизни севинчларига севинч қўшиб улар бир-бирларини бу улуғ неъмат билан қайта-қайта муборакбод этдилар.

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС.

МУБОРАК САФАР ОЛДИДАН

«ҲОТАМТОЙ» ОҚСОҚОЛЛАР

Хўжайли Қорақалпоғистондаги йирик туманлардан бири. Унинг худудида 9та овул, битта посёлка ва 17та фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатаётир. Шубҳасиз, ўзини-ўзи бошқарувчи бу идоралар аҳоли ўртасида кенг қамровли ишларни адо этишда катта кучдир. Айниқса, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тайёрлаш ва болали оилаларга ижтимоий ёрдамни мақсадга мувофиқлигини кучайтириш тадбирларини амалга ошириш борасида қатор ибратли ишларни бажараётир.

Аммо, юқоридаги инсонпарварлик кўрсатмалари барча фуқаролар йиғинлари томонидан одилона, масъулиятини ҳис қилган ҳолда адо этилаётганича йўқ. Баъзи ўринларда нафақа тайёрлаш қонунлари бузилмоқда.

Хўжайли шаҳридаги 2-фуқаролар йиғини макон кенгаши томонидан фуқаро Т.Қартбоева, Н.Избосароваларнинг фарзандларига нафақа қонунсиз тайёрланган ва берилган.

Бундай давлат ҳисобидан ноқонуний нафақа тайинлаш Д.Носиров оқсоқол бўлган 1-фуқаролар йиғини макон кенгашида ҳам учрайди. Фуқаро Г.Авазматовага 2 боласи учун ўтган йили июль ойидан 1750 сўм ва 1 августдан 2450 сўм миқдордаги нафақа ноқонуний равишда берилган.

Хўжайли шаҳридаги 4-фуқаролар йиғини макон кенгашида оилаларнинг моддий эҳтиёжи синчиклаб ўрганилмасдан, Зина Успанова, Ойгул Риспаганбетова, Паршин Тўлкибаева, Қалбика Қуртбоева, Шўлпан Илмагановаларга нафақа пуллари қонунга хилоф равишда тўланиб, ўзига хос «ҳотамтой»лик қилинган.

Бундай қонунбузарликлар шаҳардаги 6-макон ҳамда Саманкўл, Амударё овул фуқаролар йиғинида ҳам учрайди.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
«MAHALLA» мухбири.

МАҲАЛЛАМИЗ ЖАМОАСИ БОР

Ўтган йил ёзда Республика Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви томонидан уюштирилган болалар футболи республикамиздаги барча болаларнинг қалбида меҳр уйғотди.

Ҳозир навқирон ёшдаги фарзандларимни кўриб кўзим қувнаб кетади: билаги кучга тўлган, ақлан баркамол болалар ҳар соҳада илғорликни қўлдан бергилари келмайди. Маҳалламиз идорасининг эшиги очилгудек бўлса, Равшан Акрамов, Саидасил Сайдалиев деган 9,10 синф болалари «Ота, бизга қандай хизмат бор?» деб оёқларидан ўт чақнаб дарҳол етиб келишади. Шу «навқирон куч»лар баҳонаси билан идоранинг кўпгина жиҳозлари эпақага келиб қолди, стенд ва бошқа майда қурилмалар амалга ошди. Ёшларнинг маҳалла ишига бундай куюнчакликларининг эса сабаби бор албатта. Фуқароларимиз йиғини ёшларнинг қизиқиши ва иштиёқларини доимо ҳисобга олиб, улар талабини қондиришга ҳаракат қилиб келади. Қатортол маҳалламиз ҳудудида анчадан буён ахлатхона бўлиб ётган ташландиқ жойни ҳашар йўли билан обод этиб, футбол майдони барпо этдик. Бу ишда йиғинимизнинг ёшлар билан ишловчи мутасаддиси Акром Шорасуловнинг хизматлари катта. У ўзи «Пахтакор» жамоасида ишлаганн учун маҳалламиз болалари орасида футболни ҳам ривожлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётир. Ҳозирда «Мевазор» номли футбол жамоамиз Чилонзор туманида кўзга кўринган жамоалардан бирига айланиб қолган, Масалан ўтган йилги «Маҳалла» жамғармаси ўтказган маҳаллалараро футбол мусобақасида бизнинг жамоа туманда учинчи ўринни эгаллади.

Ёшларни спортга жалб этиш ишида ака-ука Қўчқоровлар, тадбиркор Нажим Миржавқаров, Жамил Ҳакимов айниқса катта хайрихоҳлик билдириб келишаётир. Маҳалладошларимиз Абдураззоқ Абдураҳмонов, Мурод Тошпўлатовнинг ажратган моддий маблағлари эвазига эса «Мевазор» жамоасининг тўпурарлари махсус либос кийишга муяссар бўлдилар.

Маҳалла болаларини спорт билан машғул қилиш яхши самаралар бераяпти. Эндиликда спорт мажмуини янада кенгайтириб, катта теннис, шахмат-шашка, кичик теннис майдончаларини ҳам барпо этиш ниятидамиз.

Ёшлар тарбияси билан шуғулланиш, уларни турли мафкура ва ғоялардан йироқ бўлган уюшмаларга жалб этиш вазифасини Президентимиз бежиз долзарб вазифа қилиб қўйганлари йўқ. Агар биз-катталар фарзандларимизнинг табиий қизиқиш ва манфаатларидан келиб чиқиб, уларга йўл-йўриқ кўрсата билсак, бу навқирон кучлар келажакда ўз истиқболли ҳаётлари учун кўп самаралар беради. Тўғри берилган билим ва машғулотлар яқин келажакда ўз мевасини кўрсатади.

Маннон ҲАКИМОВ,
Чилонзор тумани Қатортол маҳалласи оқсоқоли, халқ маорифи аълочиси.

СУРХОНДАРЁ

МАҲАЛЛАДА ҲАММАЁҚ ТИНЧ

Бойсундаги Н. Аъзамов номли маҳалла фуқаролари йиғини ҳашар йўли билан бунёд этилган уч хонали бинода жойлашган. Бинога кирган ҳар бир киши маҳалла оқсоқоли ва фаоллар давр билан ҳамнафас эканликларининг шоҳиди бўлади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қўлга киритилган жаҳоншумул ютуқлар ўз аксини топган.

Абдураҳмон акани маҳаллага оқсоқол этиб сайлаш ҳақида айтишганида аввалига у кўнмади. «Ахир, қурувчи-мухандисман, касбимга ихлосим баланд. Ундан воз кечолмайман, маҳаллага бошқа бировни раислик қилсин, мен баҳоли-қудрат кўмаклашаман», деди. Лекин маҳалла аҳли хоҳиш-иродаси олдида у ҳеч нарса қила олмади, рози бўлди. Маҳалла ҳудуди кенг, фуқаролари сони 3264 киши. 608 хўжаликда 640 оила истиқомат қилади. Маҳалланинг иш кўрган боорбўй, эътиборли одамлари билан яқин алоқада бўлди, маслаҳатлар олди, уларнинг мададига таянди. Ўзи қурувчи эмасми, ободончиликка алоҳида эътибор қаратди. Ҳашарлар уюштирди. Кўчат ўтқазишга, кўкаламзорлаштиришга, хонадонларни 100 фоиз газлаштиришга, 95 фоиз ичимлик сув билан таъминлашга маҳалланинг тоза-озода бўлишига эришди.

Маҳалла ҳудудида гузарлар иш бошлади. Халққа савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги муаммолар ўз ечимини топди. Одамларнинг оғири енгиллашди. Тўртта савдо дўконида кундалик эҳтиёжни қондирадиган саккиз хилдаги маҳсулотларнинг доимий бўлишига эришилди. Гузарларда турли хил кўнгилочар, оммавий тадбирлар ўтказилиб, байрамлар нишонланди. Маҳалла фаолларидан «йигирма боши», «ўттиз боши», «эллик боши», «юз боши»лар, тўй-ҳашамларга хизмат қиладиган кайвони аёллар тайинландилар. Шу тариқа маҳаллада ибратли ишлар бўй кўрсатди. Ҳа, тумандаги маҳаллалар орасида оқсоқол Абдураҳмон Шоймардонов амалга ошираётган ижтимоий-сиёсий, тарбиявий ишларга бошқалар ҳавас билан қарайдиган бўлди.

Н. Аъзамов номли маҳаллада осойишта ижтимоий ҳаёт ҳукмрон. Фуқаролар ижтимоий фойдали юмушлар билан банд. Маҳалла ҳудудида фаолият юритаётган, обжувозлар, тегирмонлар, кичик корхоналар. дўконлар, меҳнаткашлар манфаатига хизмат қилмоқда. Тадбиркорлардан барча хурсанд. Маҳалла ёшлари орасида тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилганлигидан бирорта ҳам қонунбузарлик ҳолатлари қайд этилмаган. «Маҳалламиз болалари» телевизион мусобақасида ҳам маҳалла ёшлари ўзларининг доно, зукко, топқир, чаққон, ҳунармандликларини намойиш этишди.

Бойсун туман Ҳокимлиги Ўзбекистон Республикасининг «Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни маҳалла ва қишлоқ йиғинларида қандай ижро этилаётганлиги бўйича семинар-кенгашни Н. Аъзамов номли маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этиши ҳам бежиз эмас.

Омон ШУКУРОВ,
«MAHALLA» мухбири.

Боғчада: «Маҳаллада тўй!» саҳнаси

ОЛАМДА ТУРЛИ ГАП

ШОХЛИ ЭНЕРГИЯ ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИЛАР

Америкалик олимлар энергиянинг муқобил манбаини топишган кўринади. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра битта қорамолдан бир йилда чиққан гўнг табиий равишда ачиши натижасида 50 кг метан гази ҳосил қилар экан. Бу рақамни ер шаридаги мавжуд қорамоллар сонига кўпайтирсак у ҳолда 63 миллион тонна газ ҳосил қилувчи иссиқлик пайдо бўлади, деб ёзади Франциянинг «Пуркда па» журнали. Шу ҳолатга эътиборни қаратиб ҳамда метан гази юқори калорийга эга эканлигини ва у ёнганидан кейин зарарли чиқинди қолдирмаслигини таъкидлаган Чикаго университетининг олимлари мол гўнги ўзига хос энергия манбаи бўлади деб ҳисобламоқдалар.



Нурли чеҳра

ОДАМЛАРГА ҚАЙИШГАНЛАР...

ХУСУСИЙ ИДОРАНИНГ ИШЛАРИ

НАМАНГАН

Аслида хайрли ишнинг катта-кичиги бўлмайди. Кимдир етимнинг бошини силайди, кимдир бева-бечораларга қурби етганча саховат кўрсатади. Наманганлик Тўрамирза Дадамирзаев эса шундай хайрли ишга қўл урибдики, ундан бир эмас, юзлаб одамлар нафақат моддий, балки маънавий наф кўрмоқдалар.

Тўрамирза ака кўп йил ҳуқуқ-тартибот идораларида масъулиятли лавозимларда ишлаган. Ҳозирда пенсия гаштини суриш билан бирга ўзи яшайдиган Зарафшон маҳалласи ҳудудида хусусий нотариал идораси очиб, атрофдаги маҳаллалар, шаҳар аҳолисининг шу соҳага доир хизматларини адо этмоқдалар. Тўғри, республикамизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик жабҳасида яратилган катта имкониятлар туфайли фаолият кўрсатаётган турли хусусий идораларнинг ҳисобига етиб бўлмайди. Лекин Тўрамирза аканинг хусусий идорасининг ҳақиқатдан ҳам ибрат олса арзийдиган саховатли ишлари бор. Беш йиллик фаолияти давомида ушбу хусусий идоранинг бажарган хайрли тадбирлари туфайли унинг довруғи вилоятдаги барча маҳаллаларга етган. Бева-бечора, камхарж оилаларга ёрдам беришдан ташқари, мактаблар ва меҳрибонлик уйларини таъмирлаш, маҳалладаги нуроний қарияларни турли қадамжоларга зиёратга олиб бориш, байрам айёмларни нишонлаш каби тадбирлар саховатпеша кишилар учун анъанага айланган. Лекин Тўрамирза акага ўхшаб бир нечта маҳаллалар идораларини, маҳалла фаолларию участка назирларини юз минг сўмлик маблағ эвазига газета ва журналларга обуна қилиб бериш ҳар кимнинг ҳам хаёлига келавермайди. Сир эмаски, ҳозирги кунда маҳалла идораси ёки фуқаро бир йўла бир нечта нашрга йил бўйи обуна бўлишга ожизлик қилади. Оқибатда маҳалла идораси дунёдан, жамиятдаги янгиланишлардан йил бўйи узилиб қолиши мумкин. Демак, Тўрамирза аканинг шахсий ташаббуслари билан қилинган бу хайрли ишнинг одамларга тегадиган фойдаси икки ҳисса кўп: ҳам моддий, ҳам маънавий.

Вилоят матбуоти саҳифаларида бу хусусий идоранинг «Нотариал идорамизга марҳамат! Идорамиз хизматидан мунтазам фойдаланган мижозларга йил охирида алоҳида мукофотларимиз бор» ёки «Идорамизда 5000 чи рақам билан рўйхатдан ўтган мижозга 50000 сўм мукофот!» қабилидаги эълонлари тез-тез чоп этилади. Борди-ю ғолиб аниқ бўлмай қолгудек бўлса, ваъда қилинган мукофот маҳалла ҳисобига ўтказилар экан. Айни кунларда Тўрамирза аканинг хусусий нотариал идораси томонидан келаси 2002 йил обунаси учун туман маҳаллалари ўртасида ўзига хос мусобақа эълон қилинибди. Шартга кўра, йил охиригача нотариал идорага энг кўп мурожаат этган маҳалла ғолиб ҳисобланиб, бир нечта нашрларга, шу қаторда «Mahalla» газетасига ҳам обуна бўлишга эришар экан. Шундай қилиб, наманганлик Тўрамирза Дадамирзаев фақат маҳалласининг саховатпешаси бўлиб қолмай, республика оммавий ахборот воситалари ташвиқотига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Мавлуда ҚОСИМОВА.

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БЎЛМАГАЧ...

ГФРда ҳар куни икки нафар немис ўз хоҳиши кўра ҳаёт билан хайрлашмоқда. 25 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтган йили 779 марта ўз жонига қасд қилиш ҳолати ҳисобга олинган. Бу рақам полиция назоратига тушганлари холос. Ҳисобга олинмай қолганлари бундан 10-20 марта ортиқ. Хўш, нима сабабдан шундай ҳоллар рўй бермоқда? Маълум бўлишича, ушбу фожеанинг боиси оиладаги ва мактабдаги ўзаро муносабатлар, мактабни тугаллайдиган ёшларни иш топа олмасликларидир. Ҳозир келажагига ишонган бундай ёшлар орасида жонларига қасд қилишнинг янги формаси - наркотик дориларнинг кўп дозада қабул қилиш ва ҳалокатга олиб борувчи мотоцикл пойгалари кенг тарқалган.

ХИЗМАТ БЕМИННАТ

СЎРАНГ, БИЛИБ ОЛИНГ!

УКАМНИ МАСЪУЛ ИШГА ОЛСАМ МАЙЛИМИ?

Ҳиссадорлик жамияти директори ўз укасини кадрлар бўлими бошлиғи вазифасига тайинлаши мумкинми?

З.КАРИМОВА.

Бир корхонада бир-бирига яқин алоқада бўлган шахслар - қариндош-уруғ (ака-ука, опа-сингил ва ҳоказо)лар меҳнат фаолияти бир-бирига бўйсинув тартибида ёки бири иккинчисининг назорати остида бўлмаслиги лозим. Бундай тартиб бузилиши меҳнат кодексининг талабларига зид ҳисобланади. Иккинчидан эса, агар бу корхона ҳиссадорлик жамияти бўлса, унда корхонанинг бошқарув тартибини жамият бошлиғи эмас, балки акциядорларнинг ўзлари ҳал этадилар. Корхона бошқарув фаолияти билан боғлиқ қарорлар ҳам акционерларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Бу ҳолат ҳиссадорлик жамиятининг низомида кўрсатиб ўтилади. Агар Низомда айрим масалалар ҳиссадорлик жамияти раиси томонидан ҳал этилиши қайд этилган бўлса ва бу акциядорлар томонидан маъқулланган бўлса, қонунга зид бўлмайди.

ИЖАРАДАГИ МАШИНА ШАХСИЙ МУЛККА АЙЛАНАДИМИ?

Мен бир автомашинани ўтган йилнинг ноябрь ойидан бери ижара ҳисобида ишлатиб келмоқдаман. Ушбу машинани автокорхона ўз молиявий маблағлари ҳисобидан ишга яроқли қила олмаганлиги учун мен уни ўз ҳисобимдан яроқли ҳолатга келтириб, ундан фойдаланиб келмоқдаман. Айтингчи, ушбу автомашина қанча вақтдан кейин қонун асосида менга автокорхона томонидан сотилиши мумкин?

Ушбу автомашинани қонун асосида сотиб олиш учун менга имтиёзлар бериладими? Мен ушбу автомашинанинг техник ҳолатини тасдиқловчи аризамни нотариал идора орқали тасдиқлатиб олишим керакми ёки йўқми? Нима учун дерсиз? Агар корхона банкротга учраб қолса ёки олдинги раҳбарлар ишдан бўшаб кетса, корхона тўловларини тўлай олмаган тақдирда мендаги машинани тўлов ўрнига олмоқчи бўлганларида мен автомашинага қилган харажатларимни қандай исботлаб беришим мумкин?

Шунинг учун нима қилиш керак?

Раҳматилла ҒОЙИПОВ,
Жиззах вилояти.

Шу каби ҳолатларга тушмаслик ва турли хил англашилмовчилик ҳамда низонинг олдини олиш учун ўзаро ҳуқуқий муносабатга (мулк ижараси, олди-сотди ва ҳоказо) киришаётган томонлар хоҳ юридик, хоҳ жисмоний шахс бўлишидан қатъий назар, икки томонлама ўзаро тенг ҳуқуқли шартнома тузиш мақсадга мувофиқ. Низо келиб чиққан тақдирда ҳам уни қонуний ҳал этишда ана шу шартнома асосий ва ҳал этувчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Хатдан маълум бўлишича, сиз автомашинани ижара ҳисобида фойдаланишга олиб, уни яроқли ҳолатга келтиргансиз. Агар сиз олинган мол-мулкни ижарага берувчининг розилиги асосида ўз маблағларингиз ҳисобидан яхшилаган бўлсангиз, башарти шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома муддати тугагач, қўйилган эҳтиёт қисмларни ажратиб олишингиз ёки унинг қиймати тўланишини талаб қилишингиз мумкин. Лекин автомашинага шартнома шартларидан ташқари эҳтиёт қисмлар ўрнатганлигингиз (агар ижарага берувчи билан бу ҳақда шартномадан ташқари қўшимча келишувга эришмасангиз), сизга автомашинани маълум бир вақт ўтгач, сотиш учун асос бўла олмайди.

Амалдаги қонун нормаларида ижарадаги мол-мулкни сотиб олишга йўл қўйилиши тўғрисида айтиб ўтилган. Киришилаётган ҳуқуқий муносабатнинг ана шу қонун нормаларига мос бўлиши учун ижара шартномасида ижарага берувчи билан ижара мулкини шартнома муддати тамом бўлгач ёки у тамом бўлмасдан туриб сотиб олиш ҳақида шарт қўйиш лозим. Ушбу шартнома шартларида белгиланган мулкни сотиб олиш баҳосининг ҳаммаси тўланган тақдирда, у сизнинг мулкингизга айланиши мумкин.

Агар ижарага олган мол-мулкни сотиб олиш шартномада назарда тутилмаган бўлса, тарафларнинг қўшимча келишуви билан белгиланиши мумкин. Бунда тарафлар мол-мулкдан фойдаланганлик учун илгари тўланган ҳақни харид нархига киритиш тўғрисида келишишга ҳақли бўладилар. Тарафлар ёки улардан бири ўзгарганда ҳам бу мулк ижараси шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлолмайди.

Мулк ижарага берилаётганда, агар томонлардан бири юридик шахс бўлса ва ижара муддатидан қатъий назар, ёзма равишда шартнома имзоланиши шарт. Мулк ижарага берилаётганда белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун яроқли ҳолда ва мол-мулкка тегишли бўлган барча ашёлар ҳамда унга алоқадор ҳужжатлар билан бирга берилиши лозим.

Ижарага берилаётган мулк фойдаланиш учун бут деб ижарага берилганда ижарага берувчи топширилаётган мол-мулкни ундан фойдаланишга тўлиқ ёки қисман тўсқинлик қиладиган камчиликлари учун, ҳатто у шартнома тузиш вақтида булар ҳақида билмаган бўлса ҳам жавобгар ҳисобланади. Агар ижарага олувчи томонидан мулк ижарага олингандан кейин бирон-бир камчилик аниқланса, у ижарага берувчидан ё мол-мулкдаги камчиликларни текинга бартараф этишни ёки уларни бартараф этиш учун қилган ўз харажатларини қоплашни ёхуд ижарага берувчини олдиндан огоҳлантирган мулкдан фойдаланиш учун тўланадиган ҳақдан чегириб ташлаш талабини қўйишга ҳақли бўлади. Агар мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ камчиликни бартараф этиш учун камлик қилса, зарарнинг қопланмаган қисмини тўлашни талаб қилиш мумкин.

Шартнома тузиш вақтида ижарага берувчи олдиндан айтиб қўйган ёки ижарага олувчига олдиндан маълум бўлган ёхуд шартнома тузиш пайтида ижарага олувчи мулкнинг созлигини кўздан кечирганда аниқлаши керак бўлган камчиликлар учун ижарага берувчи жавобгар бўлмайди.



Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди.

САМАРҚАНД

ХАЙРИЯ МАРОФОНИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги олдидан Ҳамид Олимжон номидаги вилоят мусиқа ва драма театрида Самарқанд шаҳрини ривожлантириш ва ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлашга бағишланган хайрия марафони ўтказилди.

Шаҳарда фаолият кўрсатаётган корхоналар, муассасалар, олий ўқув-юртлари, қўшма корхоналар ҳамда хусусий ширкатлар ва алоҳида шахслар бирин-кетин келиб марафон сандиғига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Сиёб деҳқон бозори, шаҳар халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари, шаҳар ободончилик идораси, Самарқанд Давлат Дорулфунуни 1 миллион сўмдан, Автогаз ташкилоти, корейслар маданий маркази 500 минг сўмдан, шаҳарнинг Темирйўл, Боғишамол, Сиёб туман маҳаллалари 300 минг сўм ҳисса қўшдилар.

Марафон иштирокчиларига шаҳарнинг кўзга кўринган санъаткорлари ҳамда халқ дасталари ва рақс гуруҳлари ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари, жозибали рақсларини армуғон этдилар. Шунингдек, шаҳар маданият ходимлари бир кунлик иш ҳақларини марафон хазинасига ўтказдилар.

Самад ҚУРБОНОВ.

ФОЖИА ИЗЛАНИШГА УНДАЙДИ

«ОДАМ АМФИБИЯ» ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНАДИМИ?

Яқинда олимлар Москвада антиқа тажриба ўтказилмоқчи. Унда биринчи бор инсоният ҳаво билан эмас, балки таркибида кислород мавжуд бўлган махсус суюқлик орқали нафас олишга уриниб кўради.

Албатта буни тўла маънода нафас олиш деб аташ қийин. Махсус суёқлик олдин биринчи ўпка ва кейинроқ иккинчи ўпкага ҳам қуюлади. Сўнг ушбу суюқликнинг чайқалиши учун синалаётган кишидан қорин мушакларини ҳаракатга келтириш сўралади. Ва ниҳоят махсус суюқлик таркибидаги кислороднинг қонга ўтиши, шу ҳолатда нозик органларнинг ҳамда туғма ва ҳаёт давомида орттирилган инстинктларининг бу вазиятдаги ҳолати диққат билан кузатилади. Бу каби тажрибалар дунёнинг кўплаб мамлакатларида (шу жумладан Россияда ҳам) бир неча бор ўтказилган бўлсада, улар фақат сичқон ёки итларда синалган холос. Бу тажриба инсоният учун жуда муҳимми?

Ҳа, албатта, аввало шуни айтиб ўтиш керакки бу тажрибаларга яқиндагина ҳалокатга учраган «Курск» сувости кемаси ва кўплаб ёш йигитларнинг бевақт оламдан кўз юмгани туртки бўлди десак ҳам бўлади.

Тасаввур қилинг, нима бўлдию сизни тақдир денгиз сатҳидан юз метр чуқурликка ирғитиб юборди. Бу ердаги босим барча тирик жонзотни мажақлаб ташлаши мумкин. Бордию одамзод бундан қутулиб қолиб денгиз сатҳига қанчалик тез интилса, ҳаво таркибидаги азот газидан заҳарланиб тезда ҳалок бўлади. Чунки юқори босим шароитидаги ўпкадаги бу газ тезда қонга тарқалади. Бу касалдик кессония деб аталади.

Шунинг учун денгиз тубида иш олиб борувчи сувга шўнғувчилар денгиз сатҳига кўтарилаётганларида махсус арқонлардан фойдаланадилар. Организмларини шароитга мослаш учун, олимларнинг таъкидлашича, барча тўсиқлардан ўтилиб техник вазифалар бажарилганда суюқлик ўпкага қуюлади ва сувга шўнғувчи қорин мушакларини ҳаракатга келтириб, 200,300 метр чуқурликка шўнғийди, ўша ерда бемалол барча таъмирлаш ишларини олиб бора олади. Ҳаво сатҳига чиққанда ҳам уни ҳеч қандай хавф кутмайди.

Ҳуллас бу тажриба фанда кашфиёт бўладими йўқми билмадигу, лекин инсоният яна бир шов-шув олдида турганга ўхшайди.

«Труд-7» ҳафтаномаси материаллари асосида.



ҚУВОНЧ КЕЛТИРГАН ЗАРБА

24 ёшли Янги Зеландиялик кўзи ожиз Лиза Рейднинг кўриш қобилияти қисман тикланди. Бундан ўн йил аввал унинг миясидаги шиш операция қилингандан кейин у кўрмай қолган эди. Лиза оёғи остидаги кучукни силайман деб бошини столга уриб олгани унга бир олам қувонч, туганмас бахт ато этди... Оғриқдан дастлаб буни сезмаган эса-да, эртасига уйғонганида буни билди. Энди у ёруғ оламни кўра бошлаган эди. Ҳаяжонини ичига сиғдира олмаган қиз дарҳол онасига сим қоқиб, сигаретадаги ёзувни унга ўқиб берди. Дўхтирларнинг айтишича, қизни чап кўзининг кўриш қуввати 80 фоизни кўрсатган.

Аҳоли диққатига!

Энергия тармоқлари идоралари шуни маълум қиладики, электрдан фойдаланганлик учун тўловни кейинги ойнинг 5-числосигача тўламаган хонадонларда электр таъминоти огоҳлантиришсиз тўхтатилади.



Мен бир шифокор олим, оқсоқол профессор сифатида дарсликларим, илмий мақолаларим чоп этилган. Ғазаллар машқ қилиб юраман. Ҳаётда аянчли, моҳиятан ибратли бир воқеага дуч келдиму, уни ўзимча назмий сатрларга туширдим.

Миржамол МИРЁҚУБОВ,
Тошкент шаҳри.

Она нидоси...

Эзгу ният умид билан бағримда,
Болам, сени асраб, авайлаб юрдим.
Бу дунёга келишингни кутиб қанча,
Ёдинг билан бари азобни кўрдим.

Бедор бўлсанг кечалари уйқусиз,
Овитай деб минг бор сийна тутганман.
Ўзим емай сенга едириб борим,
Улғайишинг кўп зориқиб кутганман.

Шукр, бугун маҳкам туриб оёққа,
Бўлдинг мулкдор, топарсан ўз нонингни.
Мени афсус узоқлатиб меҳрингдан,
Уйлаб қолдинг ўз роҳату жонингни.

Сендан бўлган меҳрсизлик савдоси,
Асло, болам, фарзандингдан қайтмасин.
Чунки қайтар бўлса буни кўрганлар,
Она рози бўлмаган деб айтмасин.

Бугун мана қариялар уйида,
Ҳеч кимсаси йўқ онадек яшайман,
Не берсалар икки кўзимга суртиб,
Йиғлаб, йиғлаб дуо қилиб ошайман.

Агар отанг ҳаёт бўлса ёнимда,
Бундек жойда айтгин бўлар эдимми.
Боғбони йўқ, қаровсиз гул сингари,
Чанқаб, чанқаб эрта сўлар эдимми.

Бир тилагим, сира вақтинг бўлмаса,
Абадий кўз юмсам кел кўп қатори.
Ҳеч бўлмаса юзим кўриб кўмилсин,
Узилганда тилимдаги сўз тори.

...фарзанд армони

Пешонамга ёзилганларин,
Бирин-кетин барин кўряпман.
Тотли эмас, ростини айтсам,
Руҳий азобини суряпман.

Менинг меҳрим қаттиқ эканин,
Билиб ўтди онам бечора.
Энди минг бор афсус қилсам ҳам,
На илож бор, на бор бир чора.

Ўйлаб кўрсам, тушда кўргандай,
Ўтиб кетди ўшал кунларим.
Энди ҳаловатсиз ўтяпти,
Кўраётган куну тунларим.

Ўлгунимча пушаймон қилиб,
Бу дунёдан ўтиб бораман.
Лекин мен ўз онам олдида,
Оппоқ эмас юзи қораман.

Эй, онаси ҳаёт фарзандлар,
Тушиб қолманг мендек ҳолатга,
Ўзингиздан олиб бир умр,
Лаънат, кечдир бундай одатга.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

ТЕКИН-ТАМОҚ ҚОТИЛ

У уйингизга бостириб кирса ҳам, қимматбаҳо буюмларингизу пулларингизни ўмарса ҳам кўриб кўрмасликка олиб туришингизни хоҳлайди. Хоҳишига зид ҳаракат қилган жонзотнинг эса танасидан жонини суғуриб олади. Лўнда қилиб айттанда, фақат ўз нафси учун яшайдиган манқуртда одамийлик, инсоф ҳам, раҳм-шафқат қилиш ҳам йўқ. Бас, шундай экан, бу ношудга нисбатан шафқат қилиши — ўзга ҳалол инсонларга шафқатсизлик, жабр эмасми? Бу мулоҳазамиз Тошкент вилоят судининг олмалиқлик ана шундай манқурт Игорь Ким устидан чиқарган ҳукмида ўз ифодасини топди.

Игорь аввал қалби энг гўзал ҳис-туйғуларга тўла бўладиган 18 ёшида ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-тарож қилганлиги учун Олмалиқ шаҳар суди томонидан беш йилу олти ойга озодликдан маҳрум этилди. Орадан кўп ўтмай унга нисбатан раҳм-шафқат, инсонпарварлик қилинди.

Бироқ Игорь бўлиб ўтган бу воқеалардан хулоса чиқармади. Аксинча, яна ўша қўтир кўнглининг қийшиқ кўчасидан юрди. Ўз қўшниси Улуғбек кўчасидаги 88-уйнинг 24-хонадонини ўмарди. Юз минг сўмлик видеомагнитофонини, 3000 сўмлик кассеталарини ўлжа қилди. Бунга у шундай эришди:

Игорь бу қўшнисида Японияда ишлаб чиқарилган видеомагнитофони борлигини билар ва уни қандай қилиб бўлса ҳам ўмаришни ўйлаб юрарди. Кунлардан бирида қараса, бу хонадон соҳибаси Эльза Цой қизи Ирина билан ҳовлидаги ўриндиқда гаплашиб ўтириб, кетар чоғларида уйларининг калитини шу ерда қолдириб кетишди. Бу сичқонни пойлаётган мушукдек бўлиб турган Игорга қўл келди. У тезда калитни олиб яширди. Орадан икки кун ўтгач эса Эльза холанинг уйига телефон қилиб кўрди. Ҳеч ким дастакни кўтармагач эса, астагина эшикни очиб, кўзлаган ўлжасини олиб чиқиб кетди ва уни «Ойдин» бозорига олиб бориб сувтекинга , атиги 15 минг сўмга сотиб юборди. Бели оғримаганнинг нон ейишига боқ, деб шунга айтадилар-да!

Орадан кўп ўтмай Игорь яна бир қўшниси - 7-хонадонда яшовчи Дилфуза Ҳафизованинг эшиги қўнғироғи тугмачасини босди.

- Келинг, қўшни, - деди хонадон соҳибаси эшикни очиб Игорга.

- Мен укангиз Рустамни излаб келувдим. - «Меҳмон» шундай дея ичкарига кирди.

- Хўш, Рустамда нима ишингиз бор эди?

- Ундан озроқ қарз сўрамоқчи эдим.

- Э, шунақами, ҳозир бизнинг ўзимиз ҳам пулга муҳтож бўлиб турибмиз. Агар харидор топилса, мана бу тилла занжиримни сотардим.

Мезбон шундай дея «меҳмон»га бўйнидаги тилла занжирни кўрсатди.

- Қани бир қўрай-чи, агар тузукроқ бўлса, харидор топиб келарман.

Дилфуза занжирни бўйнидан ечиб ўз қўли билан Игорга тутқазди. Игорь гўё уни ёруғда кўрмоқчи бўлгандай балконга қараб юрди. Кейин эса Дилфузага қараб:

- Вой, занжирингиз билан узугим пастга тушиб кетди. Биров олиб кетмасин, сиз тез пастга тушинг, мен бу ердан унга қараб тураман, - деди.

Дилфуза ўпкасини қўлтиқлаганча пастга қараб чопди. Игорь бўлса занжирни чўнтакка уриб, чердак орқали қочиб кетди. Товламачи-ўғри ўша куниёқ Тошкентнинг Қўйлиқ бозорига келиб қозоқ миллатига мансуб бир кишига занжирни 25 минг сўмга пуллади ва уни кайфсафосига сарфлади.

Кунларнинг бирида Ким Вячеслав ва унинг умр йўлдоши Галина опа Игорга:

- Қўшни, кун бўйи бекор юргандан кўра, юр, биз билан бирга ишла. Бўкадаги пиёзимизни йиғиштириб келайлик. Хизматингга яраша маош тўлаймиз, - деб қолишди.

- Бош устига, - деди Игорь муғомбирлик билан гарчи меҳнатга заррача хоҳиши бўлмаса ҳам.

Игорь Бўкага боргач, «хўжайин»ларининг чўнтакларидан уйларининг калитини ўмаргунича атиги икки кун аранг чидади. Кейин эса хайр-маъзурни ҳам насия қилиб қуён бўлди. Тўппа-тўғри келиб Вячеслав ва Галиналарнинг уйини очиб кириб, аёллар чарм плашини, 4 та аёллар пойабзали ва бошқа буюмларини олиб чиқиб кетди-да, бозорда бир нотаниш кишига 38000 сўмга сотди.

Шу ўринда Игорь шунча ўғирлик қилса ҳам наҳотки унга ҳеч ким ҳеч нарса демаса, деган ҳақли савол туғилади. Дарҳақиқат, Игорнинг бу жиноятлари устидан одамлар милицияга арз қилган бўлиб, осойишталик посбонлари уни қидириб, кўндирди. У «юклар»ни бозорга олиб бориб берди.

Игорь эса бу мол-мулкларини машинадан туширмай туриб, арзонгаров сота бошлади. Қиймати 40000 сўмлик холодильникни 15000 сўмга, 50000 сўмлик Сурияда ишлаб чиқарилган гилам 3000 сўмга «қулоғини ушлаб» кетди. Пальтога эса харидор чиқмади. Шунинг учун ҳам уни Қўйлиқ бозорига олиб келиб пуллади. Шундай қилиб Игорь бу галги «операция»сини ҳам поёнига етказди. Бироқ жиноий ҳаракатларини бироз бўлса-да, тўхтатиб туришни хаёлига ҳам келтирмади.

У куппа-кундуз куни Металлурглар мавзесидаги 50-уйнинг 82-хонадони деразасига ўрнатилган темир панжарани кесиб ичкарига кирди ва жами 257850 сўмлик бойликни ўмариб кетди...

Бу текин пуллар албатта Игорни қутуртириб юборди. У Қуйи Чирчиқ туманидаги Беруний номли жамоа хўжалиги ҳудудида фуқаро Рим Михайловни уриб, унга тан жароҳати етказди. Агар ўзга одамлар ёрдамга етиб келишмаганида бу махлуқ уни ҳам ўлдириб ташлаши ҳеч гап эмас эди.

Ниҳоят, дунёда ҳамма нарсанинг ҳам чеки-чегараси бўлганидек, Игорь Кимнинг жиноятларга тўла фаолияти поёнига етди. У барча қилмишлари учун жавоб берди. Юқорида таъкидлаганимиздек, суд уни ўлим жазосига ҳукм этди.

Биз ҳам шу билан мақоламизга якун ясаймиз-да, ҳурматли ўқувчини мазкур жиноятчи ва унга нисбатан ўқилган ҳукмга оид мулоҳаза юритишга даъват этамиз. Хўш, шундоқ адолатли қонунлар устувор бўлган жамиятимизда нега Игорь каби ваҳший жиноятчилар юзага келмоқда? Бунга ким айбдор? Унда ота-она, маҳалла ва мактаб жамоатчилигининг айблари бор ва улар қай даражада? Қолаверса, жамиятимиз бунақа жиноятчилардан холи бўлиши учун, сизнингча, нималар қилиш керак? Қимматли фикр ва мулоҳазаларингиз битилган хатларингизни кутамиз, азиз муштарийлар!

Ваҳший ва золим! Зараркунанданинг оёғи юриб, қўли қимирлаб, кўзи кўриб турса бас, ўз балойи нафсини деб ўзгалар ризқига чанг солади. Гўё унинг ишламай яшашга катта-катта ошашга ҳаққи бору, бошқалар ҳаттоки пешона терини тўкиб топган ўз луқмаи ҳалолини ҳам ютишга нолойиқ.

Муҳиддин МУСАЕВ,
Олмалиқ шаҳар прокурори.
Мурод КАЛОНХОН,
журналист.

МАҲАЛЛАМИЗ НАВОИЙХОН

МАЪРИФАТДА МАЪРИФАТ КУНИ

Яқинда Ҳамза туманидаги Маърифат маҳалласида шу ҳудудда жойлашган 30-ўрта мактаб билан ҳамкорликда Навоийхонлик анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда маҳалла аҳли, мактаб жамоаси, ҳамда бир гуруҳ олимлар иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққан барча маърузачилар шу кунларда 560 йиллик таваллуди нишонланган буюк мутафаккир, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида қизғин суҳбат уюштирдилар.

Анжуман сўнггида мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгараги ва маҳалла ҳаваскорларининг чиқишлари айниқса катта таассурот қолдирди.

Э.ДАМИНОВ,
Ҳамза тумани Маърифат маҳалласи котиби.

Суратда: 30-мактаб ўқувчилари Навоий асарлари асосида саҳна кўриниши ижро этишди.

МУТАФАККИР НОМИДАГИ МАҲАЛЛАДА

Юртимизда буюк мутафаккир, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган тадбирлар қизғин давом этмоқда. Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги Алишер Навоий номи билан аталувчи маҳаллада бўлиб ўтган «Навоийни ёд этиб» мавзусидаги адабий-бадиий кеча ана шулардан биридир.

Маҳалла ҳудудидаги Ботир Зокиров номли 46-мактаб ўқитувчилари билан ҳамкорликда нишонланган ушбу тадбирга қўшни маҳаллалар, тумандаги турли ташкилотлардан вакиллар, навоийшунос олимлар, таниқли адиб ва шоирлар, санъаткорлар иштирок этди. Маҳалла аҳли шоду хуррамлик билан дастурхон тузади. Тадбир миллий удумимизга кўра буюк бобоколонимиз руҳи-покларига Қуръон тиловати билан бошланди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шукур ҳожи Сатторов кечани очар экан, маҳалла мутафаккир шоир номи билан аталишидан бу ерда истиқомат қилувчи каттаю кичик юксак фахрда эканлигини билдирди.

Навоийшунослик фани мутахассислари - Ўзбекистон Миллий университети домласи Нурбой Жабборов, Фанлар Академияси Шарқшунослик институти илмий ходими Баҳриддин Умрзоқов Алишер Навоий ижоди ва илмий мероси ҳақида маъруза қилдилар. Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов ўзининг улуғ бобокалонимизга бағишланган шеърини ўқиб берди. Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий ўзининг падари-бузруквори, ўзбек мақомчилиги асосчиси, академик Юнус Ражабий ижодида Мир Алишер Навоий меросининг ўрни ҳақида сўзлаб, «Қаро кўзим» ашуласини айтиб берди.

Мактаб ёш адабиётчилари саҳна кўринишларини ижро этишди. Устоз санъаткор Жалолиддин Ҳолиқов, Республикада хизмат кўрсатган артист Неъматжон Қулабдуллаев, Юнус Ражабий номидаги республика мақом ижрочилари танлови совриндори Абдуқаҳҳор Жалиловларнинг Навоий ғазаллари билан куйлаган ашулалари ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Бахтиёр МАНСУРОВ



Чоршанбадан Якшанбагача

ҚЎЙ (21.03-21.04). Ушбу ҳафта сиз учун барча жиҳатдан омад эшигини очиб беради. Чоршанбада молиявий муносабатда омадингиз чопиши кутилмоқда. Кейинги кун ижодий фаолиятингиз ошади. Шанбада яхши хабар эштасиз, якшанбада салмоқли харид қилишингиз мумкин.

БУЗОҚ (22.04-20.05). Биргина сешанба сиз учун ноқулай кун бўлди. Ҳафтанинг қолган кунлари осойишта кечади. Шанбада яхши хабар эшитасиз. Якшанба куни ижодий фаоллигингиз ошади.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06). **Ҳафта дилсиёҳликлар олиб келиши эҳтимоли бор. Пайшанба ва жума кунлари ҳар қандай можаролардан ўзингизни четга тортинг. Шанбада соғлигингиз ҳақида ўйланг.**

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07). Ҳафтанинг биринчи ярми сиз учун ноқулай бошланган бўлса-да, кейинги кунлар осойишта, туйғулар осмонида жавлон урмоқ билан кечади. Жума ва шанба кунлари ишқий саргузаштлар, якшанбада эса ижодий кўтаринкилик қўйнида ором оласиз.

АРСЛОН (23.07-22.08). **Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу. Ҳафтанинг биринчи ярми хиёл омадсизликлар келтирган бўлса, чоршанба кунидан ишларингиз изга тушиб кетади. Шанбада одатдагидай хордиқ чиқарасиз.**

ПАРИЗОД (23.08-22.09). Бу ҳафта сизнинг ижодий фаолиятингиз анча равнақ топадиган кунлар силсиласидан иборат. Тўпланиб қолган ишларингизни бир йўла ҳал қилиш имкони бор. Чоршанба куни дилни орзиқтирувчи учрашув кутилмоқда. Қолган кунлари яна ижодингиз қуршовида бўласиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10). **Ҳафтанинг биринчи ярмида сиз бироз кўнгилсизликларга дуч келдингиз. Кейинги кунлардан барча ҳолатлар ўз маромига тушиб кетади. Жума, шанбада молиявий аҳволингизни яхшилаб оласиз. Якшанба куни жуда мароқли ўтади.**

ЧАЁН (23.10-22.11). Ушбу ҳафта сиз учун бир йўсинда кечмайди. Чоршанбада можаролар кунингизга соя ташлаши мумкин. Пайшанба ҳам бироз ноҳуш ўтади. Жума ва кейинги кунларда молиявий аҳволингиз яхшиланиб, ижодий фаоллигингиз ортади.

ЎҚОТАР (23.11-21.12). **Чоршанбани ҳисобга олмаганда, ҳафтанинг барча кунлари сиз учун осойишта ва омадли кечади. Дам олиш куни ортиб қолган ишларингизнинг бир йўла уддасидан чиқасиз.**

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01). Ҳафтанинг биринчи ярми хотиржам ва ҳурсандчиликда ўтди. Чоршанбадаги андак дилсиёҳлик ҳам кейинги кунларингизга соя ташолмайди. Ҳафтада ўз фаоллигингизни намойиш этасиз. Якшанба куни молиявий аҳволингиз яхшиланади.

КОВҒА (20.01-18.02). **Ҳафта боши сизга ўртача ўтди. Шанба ва якшанбада можаролардан ўзингизни четга тортишингизни маслаҳат берамиз.**

БАЛИҚ (19.02-20.03). Ҳафта сиз учун жуда мақбул бошланди. Чоршанбада кўзлаб юрган ниятларингиз амалга ошади. Пайшанба куни кутиб юрган хабарингизни эшитасиз. Дам олиш кунлари соғлигингиз ҳақида қайғурганингиз маъқул.

СКАНВОРД

Бир «чимдим» лоф

Бир хурракчи иккинчисига мақтанибди:

- Шу денг, кеча шундай қаттиқ хуррак отиб ухлабманки, эрталаб ён қўшниларим маҳалла оқсоқолига: «Матқосим кечаси билан трактирда ер ҳайдаб, бизга уйқу бермаяпти», деб арз қилишибди.

Шунда иккинчиси:

- Э, шу ҳам хуррак бўптими? Мен бир куни шундай қаттиқ хуррак отибман денг, буни эшитган Тошкентдаги синоптиклар: «Фарғона водийсида момақалдироқ бўляпти», деб радио орқали эълон қиларишибди, - дебди.

— Аноин деворга суяниб келаётган Оттимбойни кўрдинг-ми, ёши етмишга бориб қолса ҳам ичкиликни қўймайдия...

А. ҲАКИМ чизган.

ДАРДДАН ЙИРОҚ БЎЛИНГ

ГРИПП

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра шу кунларда грипп вирусининг А-1 (Н-1, «АР-3N-2») тури билан чақирилган эпидемияси кузатилмоқда.

Грипп юқори нафас йўлларининг яллиғланиши хасталиклари сирасига кириб, жуда юқумли ҳисобланади.

Бемор гаплашганда, йўталганда ва аксирганда атрофга касаллик келтириб чиқарувчи микробларни (вирусларни) тарқатади ва соғлом кишиларга юқтиради. Гриппнинг асосий клиник кўриниши организмнинг умумий заҳарланиши билан кечади. Касаллик тўсатдан бошланади, беморнинг бадани увишади, сўнгра иситмаси кўтарилади, мускуллари оғрий бошлайди, қўл оёғи зирқирайди, у ўзини лоҳас сезади ва дармонсизланади.

Грипп касаллиги ўзидан кўпгина асоратлар қолдиради. Булар ўпка шамоллаши, бронхит плеврит, гайморит ва бошқалар. Бемор одам юрмаслиги, ётиши ва уйга врач чақириши, ишга ва жамоат жойларига бормаслиги керак. Бемор касаллик даврида ўрин-тўшакда ётиб даво муолажаларини ўз вақтида оладиган бўлса, касаллик ўзидан ҳеч қандай асоратлар қолдирмайди.

Гриппнинг олдини олишда қуйидаги зарур профилактик чоралар зарур бўлади:

- хоналарни тез-тез шамоллатиш;

- полни дезинфекция эритмалари билан артиб туриш;

- қўлни тез-тез совунлаб ювиш;

- дам олиш, меҳнат ва овқатланиш режимини бузмаслик;

- соғлом болаларни грипп билан оғриган беморга яқинлаштирмаслик;

- болада гриппнинг дастлабки белгилари сезилса, уларни боғча ва мактабларга юбормаслик.

- организмни чиниқтириш, яъни жисмоний тарбия машғулотлари билан шуғулланиш;

- оқсил ва витаминга бой тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш;

- совуқ кунларда иссиқ кийинган ҳолда юриш;

Юқоридагиларга риоя қилсак, грипп касаллигининг олдини олган бўламиз.

Ғофур ТОЖИБОЕВ,
тиббиёт фанлари номзоди.



— Одамлар дардига дармон бўлиш, уларнинг саломатлиги учун қайғуриш инсоний вазифам, касбий бурчимдир, - дейди Республика физиотерапия ва саломатликни тиклаш илмий-тадқиқот институти кардиология бўлими катта илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоди Абдушукур РАСУЛОВ.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Олим БЕГАЛИЕВ

Сахифаловчилар:
А. ЮЛДАШЕВ,
Д. БЕКМУРОДОВА.

ТАҲРИРИЯТ КОМПЬЮТЕРИДА терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-1037

Топширилди—20.30